

А Ж Р И М

(Томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатиш ҳақида)

2021 йил 22 июнь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туман суди, “Чаманзор” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Ўтамуродовнинг котиблигида, Учтепа туман прокурори ўринбосари Х.Турсунов, гумон қилинувчи ХХХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Самиков, жабрланувчи ХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХ (ХХХХХ), 1995 йил 26 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Жарбулоқ” МФЙ, Виждон кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинганга оид 1-1007-2102/273 сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХХХ, 2021 йил 10 май куни соат 14:00ларда фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш мақсадида, Учтепа тумани, Истироҳат МФЙ худудида жойлашган “Баҳор” савдо маркети олдида бўла туриб, ўзига олдиндан таниш бўлган, ХХХХХга тегишли нархи 1.000.000 сўм бўлган “Редми нот 6 про” номли телефон аппаратини кўнғироқ қилиб олиш баҳонасида олиб, ХХХХХнинг савдога чалғиганидан фойдаланиб, телефон аппаратини алдов йўли билан қўлга киритиб, “Фарҳод дехқон бозори”га олиб бориб, у ерда тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсга 500.000 сўмга сотиб юбориб, пулларини ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Суд мажлисида жабрланувчи ХХХХХ ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирги кунда ХХХХХ билан ўзаро ярашиб олганликларини, унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги, ҳозирги вақтда ХХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, мазкур жиноят ишени ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида гумон қилинувчи ХХХХХ айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини баён қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишени ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд жабрланувчи XXXXX ва гумон қилинувчи XXXXXнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иш хужжатлари билан ўрганиб, Уchteпа туман прокурори ўринбосари Х.Турсунов, адвокат С.Самиковларнинг фикрини тинглаб, томонлар ярашганликларини, жабрланувчи судга бу ҳақида ихтиёрий равишда ариза берганлигини, гумон қилинувчи томонидан жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини, гумон қилинувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

XXXXX (XXXXX)га нисбатан жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинган XXXXXга нисбатан жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи XXXXXга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка муддат ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Каримов

Нусха аслига тўғри судья-

